



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (11.476)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 20 август

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич!

Муҳим сана — Тошкент шаҳрига асос солинганининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий табриқларимни қабул этгайсиз.

Тошкент Ўзбекистон халқи ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Қадим ўрта асрларда ҳам, янги даврда ҳам мазкур шаҳар ўзининг Ўзбекистон тарихида тутган муҳим ўрнини белгилаб берган юксак ҳаётий кўтаринкилик руҳи, ватанпарварлик ва кадр-қимматни намоеён этиб, ҳаммиша ўзига хос фазилатини сақлаб келган.

Ҳозирги даврда, Тошкент юртингизнинг жадал ривожи, тараққиёти, гуллаб-яшнаши ҳамда келажак сари интилишини ўзида гавдалантирган Ўзбекистон мустақиллиги ва қайта тикланган давлатчилиги рамизига айланди. Бугун Тошкент Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё халқлари маънавий ва моддий меросига улкан ҳисса қўшаётган ўз ишининг моҳир усталири бўлмиш олимлар, адабиётшунослар, рассомлар, бастакорлар меҳнат қилаётган Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳаёти марказидир.

Тошкент кенг кўламли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам катта роль ўйнамоқда. Ўзбекистон пойтахтида минтақа ва унинг сарҳадларидан ташқарида кечаётган сиёсий жараёнларнинг боришига, мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинчлик, яхши кўшилиш ва ўзаро ишонч алоқаларининг йўлга қўйилишига ижобий жиҳатдан таъсир этувчи йирик халқаро форумлар ўтказиб борилади.

Қўнра Тошкент ҳақи равишда мангу навқирон шаҳар ҳам деб аталади. Ўзбекистон пойтахти қиёфаси замонавийлик ва шаҳарсозликнинг бой миллий анъаналари уйғунлашувининг ажойиб намунасини намоеён этиб кун сайин чирой очиб бормоқда. Тошкентда амалга оширилаётган ўзгаришларда, муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, шахсан Сизнинг хизматингиз беқийсдир. Айнан Сизнинг ташаббусингиз ва раҳбарлигингизда Ўзбекистон пойтахтида кенг кўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган, янги маъмурий бинолар, маданий ва илмий марказлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари қад ростламоқда.

Ҳар гап, Тошкентда бўлганимда, унинг аҳлиси Туркманистонга, халқимизга нисбатан нечоғли ҳурмат ва меҳр билан муносабат билдиришига амин бўламан. Мен бунда, икки халқ ва давлатни бир бирига боғлаб турувчи қардошлиқ ришталарининг узлуқсиз мустаҳкамланишидек яна бир муҳим омилни кўраман.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, бахт ва раванқ тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан,

Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **СОБИР** Раҳимов туманидаги «Чигатой Оқтепа» маҳалласида Истиқлол айёми ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига тухфа сифатида болажонлар учун янги боғ бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

✓ **ШАҲРИМИЗДАГИ** Ёш дастурчиларни тайёрлаш маркази ёшлари ташаббуси билан ўтказилган тадбир электрон кутубхоналар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.


✓ **ҲАМЗА** туманида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Маҳалла — муқаддас маскан» деб номланди.

✓ **ШАЙХОНТОХУР** туман ҳокимлигида юртимиз Истиқлолнинг 18 йиллиги ҳамда азим пойтахтимизнинг 2200 йиллиги тантаналарига муносиб тайёргарлик кўриш, маҳаллалар фаолиятини янада яхшилашнинг долзарб масалаларига бағишлаб уюштирилган тадбирда туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, маслаҳатчилар иштирок этишди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

«Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»



ШАҲРИМ — ФАҲРИМ



ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ёзувчи ва шоирлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Республика Маънавий тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов мамлакатимизда истиқлол йиллари асрларга татигулик ишлар амалга оширилгани, интеллектуал салоҳияти юқори ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилётгани, юртимиз, хусусан, пойтахтимиз янада гўзал ва обод масканга айланганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда ижод аҳли томонидан Ватан, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйига атаб битилган шеърлар ўқилди. Таниқли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади. Болалар ўртасида шахмат-шашка бўйича мусобақа, асфальтга расм чизиш танлови ўтказилди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллиги бўйича ижроси яқунлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Навоий шаҳрида «Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда 10 нафар маслаҳатчи белгиланган шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

● Қорақалпоғистон Республикасида ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Хусусан, уларнинг бандлик даражасини оширишда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари алоҳида ўрин тутмоқда. Чимбой туманида қишлоқ ёшлари учун ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида касб-хунар коллежларининг 200 га яқин битирувчиси иш билан таъминланди.

● Оролбўйи минтақасида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг сони юзтага етди. Мустақиллик байрами арафасида Амударё туманида мелиорация ва сув ҳўжалиги касб-хунар коллежи очилди. Ушбу замонавий билим масканининг кўп қаватли кўркем биноси, кенг ва ёруғ синфхоналари, замонавий кўргазмалар куруллар билан жиҳозланган лабораториялар, дастгоҳлар ўрнатилган устакхоналар ёшлар ихтиёрига берилди.

● Жиззах шаҳрида мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги олдида халқ бахшилари фестивали бўлиб ўтди.

● Навбахор туманидаги Янгийўл маҳалла фуқаролар йиғинида йилга тўрт миллион донга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга «Навоий Ройсон» корхонаси ишга тушди. Замонавий технология билан жиҳозланган кичик корхонада ўн нафар киши иш билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

● Эрон Натанзе ва Арақдаги ўз ядро объектларига БМТ ҳамда МАГАТЭ назоратларининг киришини таъқиқловчи чекловларни бекор қилди.

● Бугундан бошлаб Россияда губернатор сайловларининг янги схемаси жорий этилди. Илг охиригача 14 та минтақада янги йўналишдаги сайловлар ўтказилади.

● АҚШнинг Колорадо штатининг тоғли худудида ҳарбий вертолёт ҳалокатга учради. Вертолётнинг машғулот ўтказилаётган пайтда фожиага юз тутиши натижасида унинг тўрт кишилик экипаж аъзосидан икки нафари ҳалок бўлди. Битта экипаж аъзоси бедарак йўқолган. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

● Сўнги маълумотларга кўра, Саян-Шушен ГЭСида рўй берган авария оқибатида 19 киши ҳаётдан кўз юмган, 56 киши бедарак йўқолган. Йўқолганларни қидириш ишлари давом этмоқда.

● Испанияда бир қатор кўпоровчилик ҳаракатларини содир этиб келган «ЭТА» айирмачилар гуруҳининг уч нафар аъзоси Франциянинг Савойя департаментиде хиёсқа олинган. Испания Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, ушбу жиноятчилар айирмачилар гуруҳини қурол-яроғ ва портловчи қурилмалар билан таъминлаб келган.

● Жанубий Корея аэрокосмик агентлиги ўзининг Nago-1 номили дастлабки ракетаси учурилиш мuddатининг қолдирилганлиги тўғрисида маълум қилди. Таъкидлаш жоизки, парвознинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарор стартага тахминан 8 дақиқа қолганида қабул қилинган. Ракета учурилиш мuddати кўчирилишининг расмий сабаблари айтилмаган бўлса-да, маълумотларга кўра ракетанинг ёниги тизимида муаммолар юзага келган.

● Бугун Москва областида ташкил этилган «Макс-2009» Халқаро авиакосмик саломи барча хоҳловчилар учун ўз эшиklarини очди. Авиакосмик соҳа ишқибозлари бу ерда уч кун давомида самолётсозликнинг энг янги ютуқлари билан танишишлари мумкин бўлади.

